

---

## БЕШАРИҚДА САЙЁР ҚАБУЛ

Фарғона вилоят суди раиси, Фарғона вилояти маъмурий суди раиси, маҳалла ва оилани қўллаб қуватлаш бошқармаси бошлиғи ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилоятидаги Халқ Қабулхонаси мудирининг томонидан 2022 йил 07 январ куни тасдиқланган “2022 йил 1-ярми давомида Фарғона вилоятининг туман ва шаҳарларида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, никоҳдан ажратиш, тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низолар ҳамда фуқароларнинг мурожаатлари кўпайган маҳаллалар, туманларда “Маҳаллабай” тизимида профилактика ишларини жонлантиришга қаратилган сайёр қабулларнинг режаси ижроси”га асосан 2022 йил 12 март куни Бешариқ туманида бир қатор тарғибот тадбирлари ҳамда сайёр қабуллар ўтказилди. Хусусан, 2022 йил 12 март куни Бешариқ тумани Ватан МФЙ биносида, Фарғона вилоят суди судьяси У.Хўжақулов, жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг судьяси Н.Саломовлар томонидан алоҳида сайёр қабуллар ўтказилди. Хусусан, Фарғона вилоят суди судьяси У.Хўжақулов томонидан 2 нафар, жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг судьяси Н.Саломов томонидан 10 нафар фуқаролар қабул қилинди. Мурожаатларнинг 10 таси қаноатлантирилди ҳамда 2 нафар фуқароларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

2022-03-14 09:50:14